




Масжиди Набавийни зиёрат қилиш одблари ва ҳукмлари ҳақида қисқача қўлланма.

Ўзбек

أوزبکي



شركاء التنفيذ :



المحتوى الإسلامي



رواد الترجم



بيان الإسلام



دار الإسلام

يتاح طباعة هذا الإصدار ونشره بأي وسيلة مع
الالتزام بالإشارة إلى المصدر وعدم التغيير في النص



Tel : +966 50 244 7000



info@islamiccontent.org



Riyadh 13245-2836



www.islamiccontent.org

Оламлар Рабби Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин.
Пайғамбарларнинг энг охиргиси Муҳаммадга,
У зотнинг аҳли-оилаларию асҳобларининг
барчасига Аллоҳнинг салавоти ва саломи
бўлсин.

Аммо баъд:

Бу Масжиди Набавий зиёратига оид одоблар
ҳақида қисқача рисола. Рисоламизда кўпинча
зиёратчилар муҳтож бўладиган нарсаларни
баёнладик.

Аллоҳ таолодан бу ишимизни холис ўзининг
юзи учун қилишини ва барча мусулмонларга бу
китоб орқали манфаат беришини сўраймиз.

**Ҳар хил тиллардаги исломий мазмунга эга хизматлар
бўйича илмий қўмита**



Масжиди Набавийни
зиёрат қилиш одоблари
ва ҳукмлари ҳақида
қисқача қўлланма.





1 Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини зиёрат қилиш мустаҳаб амал ҳисобланади. Бу зиёратнинг белгиланган вақти йўқ ва у ҳаж амалларидан ҳам эмас. Ҳаж қилувчилар — эркаклар ҳам, аёллар ҳам — Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини ёки Бақиъ қабристонини зиёрат қилишга мажбур эмаслар.

2 Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларини зиёрат қилиш учун кўч боғлаб бориш ва сафар қилиш мумкин эмас. Чунки ибодат мақсадида йўлга чиқиш — қабрларни зиёрат қилиш учун эмас, аксинча, фақат учта масжид учунгина жоиздир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(لا تشدوا الرحال إلَى ثلَاثة مساجدٍ: مسجِّدٌ هَذَا، وَالْمَسْجِدُ الْحَرَامُ، وَالْمَسْجِدُ الْأَقْصَى)

«Кўч боғлаб бориш фақат уч масжидгагина бўлади: Менинг ушбу масжидимга, Масжидул Ҳаромга ва Масжидул Ақсога», деганлар. Имом Бухорий (1189) ва Муслим (827).

Мадинадан узоқ бўлган киши у ердаги қабрни зиёрат қилиш учун сафар қилиши мумкин эмас, лекин, Масжиди Набавийни қасд қилиб сафар қилиши жоиз. Унга етиб келгач У зот ва асҳобларининг қабрларини зиёрат қилади. Шунда қабрларини зиёрат қилиш масжидларини зиёрат қилиш ичига кириб кетади.

Аёл кишининг на Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва на бошқа қабрларни зиёрат қилиши шариатда маъқулланмаган. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни зиёрат қилувчи аёлларга лаънат айтганлар. Бунинг сабаби — бундай зиёратлар вақтида қаттиқ йифи, кийим ертиш ва бошқа шариатга хилоф ишлар содир бўлиши мумкинлигидир. Лекин, аёлларга масжидда ҳам, бошқа жойда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп салавот айтиш тавсия қилинади. Чунки у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

(لَا تجعلوا بيوتكم قبوراً، و لا تجعلوا قبرى عيдаً، و صلوا علىٰ فِي إِنْصَالٍ تَبَلْغُنِي حِيثُ كُنْتُمْ)،

«Уйларингизни қабристонга айлантириб қўйманглар, менинг қабримни ҳам ийдоҳ қилиб олманглар! Менга салавот айтинглар, чунки қаерда бўлсангиз ҳам, (айтган) салавотларингиз менга етказилур». Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(إِنَّ اللَّهَ مَلَائِكَةُ سَيَاحِينَ فِي الْأَرْضِ يَبْلُغُونِي مِنْ أَمْتَيِ السَّلَامِ).

«Аллоҳнинг ер юзида саёҳатчи фаришталари бор. Улар умматимдан менга салом етказадилар», деганлар.



- 3** Масдиdi Набавийга кираётгандың оёғи билан кириб: «Аллоҳуммаftаҳлии абааба роҳматик», деб айтиш мустаҳаб.
- 4** Маъноси: Аллоҳим раҳмат эшикларингни оч! Башқа масжидларга ҳам шундай кирилади.
- 5** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларига кираётганды айтиладиган хос дуо йўқ.
- 6** Сўнгра икки ракъат таҳийятул масжид ўқииди. Агар намоз ўқищдан қайтарилган вақт бўлмаса, хоҳлаганича икки ракъат-икки ракъат қилиб намоз ўқиши жоиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(صلاة في مسجدي هذا خير من ألف صلاة فيما سواه إلا المسجد الحرام)

«Мана бу масжидимда ўқилган намоз бошқа жойларда ўқилган мингта намоздан яхшироқdir, фақат Масжидул Ҳаром бундан мустасно», –дедилар. Имом Бухорий (1190) ва имом Муслим (1394).





7 Агар имкони бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбари билан ҳужралари орасида жойлашган «Равза»да намоз ўқишга ҳаракат қилиш керак. Чунки Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(ما بين بيتي ومنبري روضة من رياض الجنة)

«Менинг уйим билан минбарим орасидаги жой — жаннат боғларидан бир боғдир», – деганлар. Имом Бухорий (1195) ва имом Муслим (1390). Агар унга Равзада намоз ўқиш имкони бўлмаса, масжиднинг исталган жойида намоз ўқиши мумкин. Бу - жамоат намозидан ташқари ҳолатга тааллуқли. Аммо агар жамоат билан намоз ўқилаётган бўлса, у ҳолда имомдан кейинги биринчи сафда туришга ҳаракат қилиш керак. Чунки бу ҳақда келган умумий далиллар шунга далолат қилади.

8

Агар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва икки саҳобаларининг қабрини зиёрат қилмоқчи бўлса:



- Қабрларининг олдида одоб ва виқор билан туради. Сўнгра паст овозда: «Ассалаamu алайка яа Росууллоҳ ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ» дея салом беради. Маъноси: Ё Росууллоҳ сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракаси бўлсин.

Агарда: «Ашҳаду аннака Расууллоҳи ҳаққон, ва аннака қод баллағтар-рисалаҳ, ва аддайтал-аманаҳ, ва жааҳадта фи-ллааҳи ҳаққо жиҳадиҳи, ва насоҳтатл-умма, фа жазака-ллоҳу ан умматика афзола ма жаза набийян ан умматих», деса ҳам бўлади.

- Маъноси: Мен гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳнинг ҳақиқий Расулисиз. Албатта, сиз рисолатни етказдингиз, омонатни адо этдингиз, Аллоҳ йўлида ҳақиқий жиҳод қилдингиз ва умматга холис насиҳат қилдингиз. Аллоҳ таоло сизни умматингиз номидан барча пайғамбарларга берилган мукофотларнинг энг афзали билан мукофотласин.
- Сўнгра озгина ўнга юриб Абу Бакр сиддиқга салом беради.
- Сўнгра яна озгина ўнга юриб Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анхуга салом беради. Ибн Умар разияллоҳу анхумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва икки асҳобларига салом берганда кўпинча: «Ассалаamu алайка яа Расулуллоҳ, Ассалаamu алайка яа Абаа бакр, Ассалаamu алайка яа Абатааҳ», дер эдилар, холос.

Маъноси: Ё Расулуллоҳ сизга салом бўлсин, ё Абу Бакр сизга салом бўлсин ва эй отажон сизга салом бўлсин.

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва У зотнинг икки саҳобалари — Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анхумоларнинг қабрлари олдида узоқ туриш ёки дуо қилиш мумкин эмас. Имом Молик раҳимахуллоҳ бу ишни маъкул кўрмаганлар ва шундай деганлар:

«Бу — олдинги уламолар қилмаган бир бидъатdir. Умматнинг охирини — унинг аввалгиларини ислоҳ қилган нарсагина ислоҳ қилур».

- Қабрлари олдида овозини кўтарадиган ва у ерда кўп турадиган баъзи зиёратчиларнинг бу ишлари шариатга хилофдир. Аллоҳ таоло айтади:


(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا ترْفَعُوا أَصواتَكُمْ فَوْقَ صوتِ النَّبِيِّ وَلَا تَجْهُرُوا لَهُ بِالْقَوْلِ كَجَهْرٍ بِعْضُكُمْ أَنْ تَحْبَطَ أَعْمَالَكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ ، إِنَّ الَّذِينَ يَغْضُبُونَ أَصواتَهُمْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ أُولَئِكَ الَّذِينَ امْتَحَنَ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ لِلتَّقْوَىٰ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ)

«Эй, иймон келтирганлар! Овозингизни Пайғамбар овозидан юқори күттарманг ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек дағал сўз айтманг, ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин.

Албатта, Расулуллоҳнинг ҳузурида овозларини пастлатганлар, ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақвога имтиҳон қилган зотлардир. Уларга мағфират ва улкан ажр бор» [Ҳужурот: 2-3]. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабри ҳузурида узоқ туриш ва кўп марта салом бериш — одамларнинг тўпланишига, шовқин-сурон ва овозларнинг баландлашишига сабаб бўлади. Бу эса Аллоҳ таоло мусулмонлар учун Қуръони Каримда нозил қилган аниқ оятларга хилофдир.

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тирик чоғларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам ҳурмат қилинишлари лозим. Шунинг учун, мўмин инсон қабрлари ҳузурида шариат одобларига хилоф келадиган ишларни қилмаслиги лозим.
- Шунингдек, баъзи зиёратчилар ва бошқалар томонидан қабрлари олдида қасддан дуо қилиш, қабр томон юзланиб, қўлларини кўтариб дуо қилиш амали — буларнинг барчаси Расулуллоҳнинг саҳобалари ва уларга яхшилик билан эргашган салафи солиҳларнинг йўлига хилофдир. Балки бу — динда пайдо қилинган бидъатлардан.
- Шунингдек Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берганда баъзи зиёратчиларнинг ўнг кўлини чап қўли устига қўйиб, уларни кўкрагига ёки унинг остига қўйиб, намоздаги ҳолатда туриши — У зотга салом бериш вақтида жоиз эмас. Чунки бу ҳолат ҳузуъ ва таъзим белгиси бўлиб, бу ҳолатда фақат Аллоҳ учунгина турилади. Буни ҳофиз Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ «Фатҳ» асарида уламолардан нақл қилган.

- Ҳеч ким ҳужраларини силаш ёки унинг атрофида тавоф қилиш билан Аллоҳга яқинлашиши ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳожатини ўташлари, касалига шифо беришлари ёки шу каби ишларни сўраши мумкин эмас. Чунки бу нарсалар фақат Аллоҳ таолодан сўралади.



9

Саҳл ибн Ҳунайф разияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(من تَهَرَ فِي بَيْتِهِ ثُمَّ أَتَى مسجِدَ قَبَاءَ فَصَلَّى فِيهِ صَلَاتَةً كَانَ لَهُ كَأْجَرٌ
عَمْرَةً).»

«Ким таҳорат олиб сүнгра Қубо масжидига келса ва унда намоз ўқиса, Умра ажричалик савоб олади», – деганлар».



10

Бақиъ қабрларини, шаҳидлар ва Ҳамза разияллоху анхуларнинг қабрини зиёрат қилиш суннат. Чунки Набий соллаллоху алайҳи ва саллам уларни зиёрат қилиб, уларнинг ҳақларига дуо қилар эдилар. Ҳамда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам:

(كُنْتْ نَهِيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُوْرِ، فَزُورُهَا فَإِنَّهَا تَذَكُّرُكُمُ الْآخِرَةِ)

«Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Бас, уни зиёрат қилинглар! Албатта, у сизларга охиратни эслатади», деганлар. Уларнинг қабрлари ва бошқа қабрларни зиёрат қилганларида: «Ассалауму алайкум аҳлад-дияри минал-мўъминийна вал-муслимийн, ва иннаа ин шаа Аллоҳу бикум лааҳиқуун ва ярҳамуллоҳул-мустақдимийна миннаа вал-мустаъхирийн. Насъалуллоҳу ланаа валакумул-ъафияҳ».

Маъноси: Ассалому алайкум, мўмин мусулмонлар диёри аҳли! Биз ҳам, иншааллоҳ, сизларга қўшиламиз. Олдимиздан ўтганларни ҳам орқамиздан келадиганларни ҳам Аллоҳ раҳматига олсин. Аллоҳдан бизга ҳам, сизга ҳам оғият сўраймиз.



11

Қабрларни зиёрат қилишдан мақсад – охиратни эслаш, вафот этгандарга дуо қилиш орқали яхшилик қилиш ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашиш эканида шубҳа йўқ. Мана шу – шаръий зиёратдир.

12

Агар қабрлар зиёрати дуо қилиш мақсадида, Аллоҳдан улар воситасида ёки уларнинг шаъни орқали сўраш ниятида қилинса, бу — бидъат ва мункар саналган зиёратдир. Буни на Аллоҳ, на Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариат қилиб берган ва на солиҳ салафлар бундай қилган. Агар кимdir ўликлардан эҳтиёжини рӯёбга чиқаришларини ёки касалликдан шифо беришларини сўраса ва шунга ўхшаш нарсаларда мурожаат қилса, бу катта ширк ҳисобланади.



Келинг эй китобхон! Шу ҳақида айтилган баъзи тўқима ҳадисларни билиб олишингиз ва ундан эҳтиёт бўлишингиз учун сизга баёнлаб берай:

- 1:** «Ким ҳаж қилса ва мени зиёрат қилмаса, дарҳақиқат менга жафо қилибди».
- 2:** «Ким мени вафотимдан кейин зиёрат қилса, тириклигимда зиёрат қилгандай бўлади».
- 3:** «Ким мени ва отам Иброҳимни бир йилда зиёрат қилса, Аллоҳ унга жаннат беришига кафилман».
- 4:** «Ким қабримни зиёрат қилса, унга шафоатим вожиб бўлур».

Бундай ва бу каби ҳадислар Пайғамбар соллалпоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлмаган. Ҳофиз Уқайлий раҳимаҳулпоҳ шундай деган: **«Бу бобда бирор сахиҳ нарса мавжуд эмас».** Ҳофиз Ибн Ҳажар **«Ат-Талхис»** асарида — бу ривоятларнинг кўпини зикр қилгандан кейин — шундай деган: **«Бу ҳадиснинг барча ривоят йўллари заифдир».** Ҳаж ёки умрадан олдин ёки кейин Масжиди Набавийни зиёрат қилиш ҳаж ёки умранинг суннатларидан ёки камолидан эмас. Чунки Пайғамбар соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг масжидини зиёрат қилиш ўзига хос мустақил равишда мустаҳаб амалдир. Агар ҳаж қилувчи ёки умра қилувчи уни зиёрат қилмаса, ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Ҳаж, умра ва Масжиди Набавий зиёрати ўзаро боғлиқ эмас, булар алоҳида ибодатлардир.

Шунинг учун ким ҳаж ёки умра қилса, унга масжидни зиёрат қилиш фарз эмас. Худди шундай, ким масжидни зиёрат қилса, унга ҳаж ёки умра қилиш вожиб эмас. Агар кимдир ҳаж, умра ва Масжиди Набавий зиёратини бир сафарда бирлаштируса, бу жоиз ва ҳеч қандай айб йўқ.

Масжиди Набавийни зиёрат қилишдаги хилоф ишлар.

1 Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларини зиёрат қилганда деворлар ёки темир панжараларга сурталиш, барака олиш умидида иплар ёки шу каби нарсаларни түрларга боғлаш.

Барака — Аллоҳ ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариат қилган нарсаларда, бидъатларда эмас.

2 Уҳуд тогидаги ғорларга, шунингдек, Маккадаги Ҳиро ва Савр ғорларига бориш, уларда матолар боғлаш, Аллоҳ рухсат бермаган дуоларни қилиш ва бу ишларда ўзини қиинаш — буларнинг барчаси шариатда белгиланмаган, нотўғри амаллардир.

Пок шариатда бу бидъатларнинг бирортасининг асли йўқ.



- 3** Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тегишли деб даъво қилинадиган баъзи жойлар — масалан, туяси тўхтаган жой, Хотам қудуғи ёки Усмон қудуғи каби жойларни зиёрат қилиш ва бу ерлардан барака олиш мақсадида тупроқ олиш.
- 4** Бақиъ ва Уҳуд шаҳидларининг қабристонини зиёрат қилаётганда дуо қилиш, уларнинг устига Аллоҳга яқинлашиш ва барака талаб қилиб пул ташлаш ҳам шу жумладан.

Бу ишлар катта хатолардан бўлиб, уламолар таъкидлаганидек, катта ширкдандир.

Бунга Аллоҳнинг Китоби ва Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ҳам далолат қилади. Чунки ибодат фақат Аллоҳнинг Ўзига хос бўлиб, Ундан бошқа ҳеч кимга дуо қилиш, сўйиш, назр қилиш ва шунга ўхшаш ибодатлар жоиз эмас. Аллоҳ таоло шундай деган:

(وَمَا أَمْرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ)

«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка буюрилган эдилар...». [Баййина: 5]

Аллоҳ аълам! Пайғамбаримиз Мұхаммадга ва У кишининг аҳли аёллари ва асҳобларига Аллоҳ таолонинг саломи ва салавоти бўлсин!



تعرف على الإسلام

بأكثر من 100 لغة



موسوعة الأحاديث التجريبية
HadeethEnc.com



ترجمات متقدمة للحاديـث
النبوـية وشروعـها باكـثر من
لـغـة (60)



بيان الإسلام
byenah.com



مواد مـنـقـاة للـتـعـرـيف
باـإـسـلـام وـتـعـلـيمـه باـكـثر
من (120) لـغـة



موسوعة القرآن الكريم
QuranEnc.com



ترجمـات متـقـدة لـمعـانـي
الـقـرـآن الـكـرـيم باـكـثر من
لـغـة (75)



موسوعـات وخدمـات إسلامـية بالـلـغـات
s.islamenc.com



للـمـزـيد
من المـوـاـقـع الإـسـلامـية
بـلـفـاتـ الـعـالـمـ



بيانـات إـسـلامـية مـنـقـاة
islamcontent.com



موـاد إـسـلـامـية مـنـقـاة
وـشـامـلة باـكـثر من (125)
لـغـة



ضـيـوف الرـحـمـن
hajjumr.com



موـاد مـنـقـاة للـحجـاج
وـالـمـعـتمـرـين وـالـزوـارـ
بـلـفـاتـ الـعـالـمـ



جمـعـيـة خـدـمـة المـحتـوى
الـإـسـلامـي بـالـلـغـات

ضـيـوف الرـحـمـن
hajjumr.com